ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 2 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: https://doi.org/10.24411/2181-1385-2021-00155

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ДЕТЕКТИВ АДАБИЁТИ МУАММОЛАРИ

Туроб Тўйчиевич Ирисбоев
Тошкент вилояти Чирчик Давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада XIX аср ўрталаридан эътиборан шаклланиб, жаҳон адабиёти равнақига маълум маънода ижобий таъсир этиб келаётган детектив жанрнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида сўз юритилади. Унда детектив адабиётнинг пайдо бўлиш омиллари, тараққиёт йўллари ва сўз санъати илмидаги эътиборли жиҳатлари борасида фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Калит сўзлар: детектив адабиёт , детектив жанр, ўзбек миллий детектив адабиёти, миллий детектив муаммолари.

ISSUES OF UZBEK NATIONAL DETECTIVE LITERATURE

Turob Tuychiyevich Irisboyev
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

ABSTRACT

This article discusses the features of the detective genre, which was formed from the middle of the XIX century and had a positive impact on the development of world literature. This provides feedback on the factors in the appearance of detective literature, development paths and important aspects of the science of word art.

Keywords: detective literature, detective genre, Uzbek national detective literature, problems of Uzbek detective literature

КИРИШ

Ўзбек насрининг XX асрдаги тараққиёт босқичларида реал ҳаёт билан реалистик тасвир муносабати баъзан бир-бирига муштарак, гоҳо номутаносиб тарзда кечганлиги кузатилган. Мураккаб бу тарихий жараёнда айрим тематик йўналишларнинг, хусусан, ўзбек детективининг катта–кичик тажрибалари, муаммолари мавжудки, улар ўзбек адабиётшунослигида деярли таҳлилга тортилмаган ва илмий тадқиқ этилмаган. Ўзбек детектив адабиётининг ривожланиш жараёнида узоқ йиллар давом этган ижодий сустлик собиқ тотолитар тузумнинг нобакор сиёсати, тийиқсиз мафкураси тамойилларига боғлиқ тарзда содир этилганлиги бор ҳақиқат. Айни даврда бу борадаги

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: https://doi.org/10.24411/2181-1385-2021-00155

сезиларли мувоффақиятларнинг жамиятдаги, адабий тафаккурдаги ва реал ҳаётдаги янгиланишлар билан, мустақиллик ва истиқлол неъматлари билан уйғун кечаётганлиги ҳам ҳақиқат.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Шўро даврида детектив адабиётнинг ривожланишига маълум маънода йўл берилмаган бўлса-да, бу жанрнинг жаҳон адабиётидаги етук намуналари аввало рус тилига, ундан бошқа қардош тилларга таржима қилиниб, нашр этилган. Бундан кўзда тутилган асосий мақсад-муддао детектив адабиёт ривожига туртки бериш эмас, аксинча, уларда тасвирланган жиноят олами кирдикорлари ўғрилик, фаҳш, талончилик, разолатнинг фақат капиталистик тузумга, буржуа мамлакатлари ҳаётига хослигини кўрсатиш ва социалистик давлатда бундай иллатлар таг-туби билан йўқотиб юборилганлигини таъкидлаш эди. Ҳатто, ўша даврларда чоп этилган йирик луғатларда ҳам “детектив адабиёт” атамасига “буржуа адабиётига хос тур” дея изоҳ берилган. [3]

Кейинчалик ёзувчиларнинг деярли бир ерда “депсиниб турган” ўзбек детектив адабиёти ривожига маъсуллиги аниқ-тиниқ кўзга ташлана борди. Шунингдек, китобхонларнинг бу туркумдаги асарлар мутолаасига бўлган қизиқиши ҳам тобора кучайиб борарди. Шундай экан, кундалик ҳаётдаги турли жинояту иллатларнинг фош қилиниши, шунингдек, уларни бартараф этиш борасидаги тўсиқлардан масуво бўлишнинг ўзига хос жиҳатларини бадиий талқин этувчи асарларга бўлган маънавий эҳтиёж кучайиб борди. Афсуски, ўзбек детектив жанрининг шаклланиши, тараққиёт хусусиятлари, ўзига хос адабий-назарий муаммолари адабиётшунослик илмида алоҳида ва махсус ўрганилмади. Турли йилларда яратилган ва моҳиятан детектив адабиётга мансуб бўлган асарлар кўпроқ бошқа жиҳатларига кўра таҳлилга тортилди. Ўзбек детектив адабиётининг ривожланиши, истиқлол давридаги ўзгаришлари ва изланишлар самараси сифатида кенг қамровли эпик асарлар, шунингдек, бу соҳадаги муайян ижод юзасидан яхлит, фундаменталь тадқиқотлар деярли яратилмади.

Ваҳоланки, бундай йўналишдаги илмий ишларга жиддий асослар, салмоқли манбалар ва эҳтиёжлар азалдан мавжуд эди. Таъбир жоиз бўлса, бундан қарийиб йигирма йиллар муқаддам адабиётшунослигимизда детективга нисбатан жадал “сергаклашиш” жараёни содир бўлди. 2001 йили “Ҳозирги ўзбек детектив адабиётининг тараққиёт хусусиятлари” (Т. Ирисбоев), 2002 йилда эса “Ўзбек детектив насри: генезиси ва табиати” (Ш. Сулаймонов)

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: https://doi.org/10.24411/2181-1385-2021-00155

мавзуларида номзодлик диссертациялари мувоффақиятли ҳимоя қилинди. Бир қатор адабиётшунос олимлар: У.Норматов, А.Улуғов, Ҳ.Каримов, Т.Шермуродов, К.Турдиева, И.Мирзаев, М.Мансурларнинг илмий мақолалари, тақриз ва фикр-мулоҳазалари эълон қилинди. Бироқ, кўп ўтмай мазкур ишлар "сувга тушган тошдай" кўринмай, эътибордан четда қолиб кетди.

Ёзувчи Искандар Қаландаровнинг 1962 йили ёзилган "Шохидамас, баргида..." номли қиссасини ўзбек детективининг илк куртакларидан бири дейиш мумкин. Асар жамиятнинг "қора гуруҳлари" қилмишларини кескин фош этишга қаратилган бўлиб, унда ўғрилик, зўравонлик, қотиллик, қаллобликлар бадиий талқин этилади. Бироқ асар ўша давр мафкурасининг жиддий эътирозига сабаб бўлди ва кескин танқидга учради. Ёзувчи совет воқелигига ёт нарсаларни тасвирлашда, майда ва онда-сонда бўладиган ҳодисаларни типиклаштириб талқин этишда айбланди. Жумладан, адабиётшунос С. Мирвалиев муаллифни "шўро воқелигига ёт асар" ёзганлиги, "ҳаётимиз учун типик бўлмаган нарсаларни умумлаштириш кетидан қувган"лиги, милиция ходимлари ва совет кишиларини шундай жиноятлар содир бўлишига йўл қўйиб берган "меров, лапашанг" кишилар сифатида тасвирлаганлиги учун айблаган. [1]

Дарҳақиқат, мазкур қиссани нуқсону камчиликлардан бутунлай ҳоли асар сифатида қабул қилиш ҳам у қадар мақбул эмас. Унинг сюжетида ғоявий-бадиий мақсадга тўлиқ хизмат қила олмаган воқеа-эпизодлар, ички қурилишида эса мавҳум бўшлиқ мавжуд. Руҳиятига чуқур кириб, бор фожиаси билан тасвирланиши кутилган қаҳрамонларнинг маънавий дунёсига ёзувчи етарли эътибор қарата олмайди. Бадиий маҳоратнинг саёзлиги услубда ҳам, асар тилида ҳам сезилиб туради. Шунга қарамай, кейинги йилларда ҳам детектив асар намуналарини яратишга интилишлар кузатилди. Ўлмас Умарбековнинг "Фотима ва Зуҳра"романи, "Ёз ёмғири"қиссаси, Тоҳир Маликнинг беш китобдан иборат "Шайтанат" қиссаси, Файзулла Қиличевнинг "Занжир", Саид Равшаннинг "Чордоқдан отилган ўқ", Омон Мухторнинг "Мўъжиза", Ботир Носировнинг "Олтин қаср фожиаси" каби кўплаб катта-кичик қисса ва ҳикоялари шулар жумласидандир.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Эътироф этиш лозимки, кенг қамровли ижодий жараёнларнинг меваси сифатида ёзувчи Тоҳир Маликнинг "Шайтанат" асари ўзбек детектив насрининг етакчи намунаси сифатида пайдо бўлди. Сюжет ришtасининг таранглиги, воқеалар кўламининг кенг ва чуқур, мураккаб ва зиддиятлилиги,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: https://doi.org/10.24411/2181-1385-2021-00155

бадиий салмоғи, қаҳрамонларининг кўп ва ранг-баранглиги, воқеа, мазмун ва ғоясининг серқатламлилиги, муҳими, миллийлиги ва шарқона маърифий-дидактик йўналиши билан “Шайтанат” ўзигача яратилган детектив асарлардан яққол ажралиб туради. У ўзбек адабиётида бу борадаги бор тажрибаларни умумлаштирган бир асар сифатида майдонга келди ва ҳақли равишда катта мувоффақият қозонди. Зеро, “Шайтанат” битилган даврда бу асардек кенг ўқувчилар оммаси эътиборини ўзига тортган бошқа бир асар, Т. Маликдек шуҳрат чўққисига кўтарилган бошқа бир адиб бўлмаган. Иқтидорли ёзувчи Тоғай Мурод ана шу жиҳатларга холисона муносабат билдириб: “бугунги кунда улоқ Тоҳир Маликда кетди” дея эътироф этган эди. [2] Муҳими, адабий ва илмий жамоатчилик, кенг ўқувчилар оммаси асарни катта қизиқиш билан кутиб олди. “Шайтанат” асари адиб ижодининггина эмас, ўзбек адабиётининг янги даврдаги, янгича йўналишдаги муваффақияти дея эътироф этилди. Мазкур йирик, кўп китобли қиссага қадар яратилган ўзбек детектив асарларида жиноятчиликнинг тасвири асосан маълум бир жиноят ёҳуд қотиллик ва унинг фош этилиши асосида амалга оширилар эди. Тоҳир Малик бадиий маҳоратининг ўзига хослиги шундаки, у асар марказига жиноятчи тўдалар муҳити тасвирини олиб кирди. Турмуш воқелигини полифоник тарзда, моҳирона акс эттирди. Асарда турли маслакдаги қаҳрамонлар баробар ҳаракат қилади. Ёзувчи ҳар гуруҳдаги муҳим қаҳрамонларнинг хатти–ҳаракатларини бадиий таҳлил этади. Детектив-саргузашт воқеликларинигина эмас, ички кечинмаларини ҳам назардан қочирмайди. Бунинг учун қаҳрамонларнинг характерларини янада реаллаштириб, жозибадорлигини таъминлайди. Айниқса, Асадбек, Зоҳид, Элчин, Зайнаб, Анвар, Зелихон, Собитхон қори, Исмоилбей сингари образлар галареяси айни шу жиҳатларига кўра эътиборга лойиқдир. “Шайтанат” да ёркин жозиба уйғотувчи қирралардан бири унинг ўзига хос ифода услубидир. Бунда ўзбек насри тараққиётидаги гўзал анъаналар тажассумининг янгича оҳанглари ҳис этилади. Муаллиф инсон омилини, жамиятда содир бўлаётган воқеаларнинг фалсафий-дидактик, исломий-дунёвий нуқтаи назардан бадиий талқин этишга интилиб, ўз мақсадига эришади. Асар баёнига ўз фалсафий-эстетик қарашларини моҳирона сингдириб боради. Китобхонни ҳаётнинг мазмун-моҳияти, тириклик қадри, умр қиммати каби масалаларда мунозарага чорлайди. Асар пафоси, ғоявий бадиий қимматини таъминлашда бу ифода йўсинининг нечоғлик аҳамиятли бўлганини англаш қийин эмас. Шунингдек, ёзувчининг ўзбек насридаги Абдулла Қодирий ижод мактабидан қанчалик чуқур ва теран баҳра олганлиги китоб мутолааси

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: https://doi.org/10.24411/2181-1385-2021-00155

мобайнида ҳис этиб турилади. Айниқса, Зайнаб образи талқини ёзувчининг бу борадаги ноёб топилмасидир. Шу каби адабий изланишлар ўзбек насридаги бугунги янгича ёндошувни ҳар жиҳатдан эътироф этмоққа олиб келади. Айни чоғда, ўзбек детектив адабиёти деган тушунчага айнан ҳозирги адабий жараённинг маҳсули деб қараш ҳам ўринли эмаслиги таъкидланади. Негаки, детектив тасвир, бевосита детектив адабиётга мансуб унсурлар, ўзига хос намуналар ўзбек адабиётининг турли авлодлари ижодида ҳам учраб келган. Улар орасида анчайин мувоффақиятли чиққанлари ҳам, газеталардаги лавҳалар баёнига ўхшашлари ҳам бор. Шу боис ҳам, ўзбек детективи хусусида, унинг тараққиёт омиллари, кўламдорлиги, ғоявий-бадиий мавқеи ҳақида кўтаринки руҳда фикр юритмоқ, филологик илмий-тадқиқотлар яратмоқ эҳтиёжи англашилиб туради. Миллий адабиётимизнинг барча жабҳаларида бўлгани каби детектив йўналишда ҳам ўзига хос янгиланишлар сусткашлик билан бўлса-да рўй бераётир. Адабиётшуносликнинг бу борадаги муҳим йўналишларини белгилаб олиш ва рўёбга чиқариш олимларимиз олдида турган долзарб масалалардандир. Шу ўринда айрим мақсад-вазифаларга эътибор қаратиш лозим кўринади. Жумладан,

1. Ўзбек детектив адабиёти тараққиётидаги эътиборга лойиқ хусусиятлар, шаклланиш омиллари, ундаги ҳаёт ҳақиқати ва реалистик тасвир мутаносиблиги ҳамда детектив тасвирнинг табиий тақозодорлигини илмий-назарий аспектларда ўрганиш.

2. Детектив адабиётда хилма-хил қаҳрамонлар, характерлар яратиш жиҳатларини, унда ҳам реалистик тасвирнинг қонунийлигини, бадиий талқинда муаллиф концепциясининг оригинал табиатини, ижодкор нуқтаи назарининг маълум ижтимоий-сиёсий муҳит ва қарашларга даҳлдорлик маромини миллий детектив намуналари асосида тадқиқ этиш.

3. Детектив асарлар реалистик тасвирида саргузаштлиликнинг специфик талаб эканлигини, ҳаёт ҳақиқатидан келиб чиқадиган табиий жараёнлигини, асарлар сюжетида саргузашт ҳикоянинг айрича мавқе ва моҳият касб этишини илмий жиҳатдан кузатиш ва асослаш.

4. Детектив асар поэтикаси масалаларини кенг тадбиқ қилиш. Композиция, коллизия, конфликт, драматизм, бадиий психоанализ каби масалаларни чуқур ёритиш. Уларни бошқа мавзуларда яратилган ғоявий-бадиий даражаси устун насрий асарларга муқояса этиш ва солиштириш.

5. Ўзбек насрига анъаналар давомийлиги ва сайқал топиш омиллари, жаҳон детектив адабиёти таъсирларидан баҳраманд жараён сифатида қараб,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: https://doi.org/10.24411/2181-1385-2021-00155

ўзбек миллий детективининг алоҳида-алоҳида ижодларини ёҳуд айрим эпик намуналарини атрофлича ўрганиб чиқиш ва ҳ/к.

Таъкидлаш жоизки, мавжуд масалаларни илмий тадқиқ этиш учун ўзбек детектив адабиётида муносиб намуналар мавжуд. Хусусан, Тоҳир Маликнинг беш китобдан иборат “Шайтанат”, Ўлмас Умарбековнинг “Ёз ёмғири” қиссаси, “Фотима ва Зуҳра” романи , шунингдек, Файзулла Қиличев, Исроил Тўхтаев, Саид Равшан, Омон Мухтор, Ботир Носировларнинг бир қатор асарларига бадиий манбалар сифатида қаралиши мумкин.

Маълумки, бадиий адабиёт сўз санъати сифатида, ижтимоий воқеликнинг бадиий инъикоси тарзида дунёга келади. Демак, бадиий асарни, жумладан, детектив жанр намуналарини замон ва макон нуқтаи назаридан атрофлича ўрганишга зарурият бор.

Ўзбек адабиётшунослигида детектив наср муаммоларини илмий тадқиқ этиш вазифаси яна шунинг учун муҳимки, филологик йўналишларда таҳсил олаётган талабалар ҳам адабиётнинг бу соҳаси ҳақида етарли маълумотларга эга эмаслар. Таъкидлаш жоизки, кўп ҳолларда адабий-назарий манбаларнинг етарли эмаслиги тасаввурларни юзакилаштириб, турли чалкашликларнинг урчишига сабаб бўлмоқда.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, детектив жанр ривожи унинг муқаррар омиллари доирасида кечади. Шубҳасиз, унинг мувоффақияти ҳам ана шу омилларнинг бадиий инъикоси туфайлидир. Бу мулоҳазалар пировардида жаҳон ва ўзбек детективи намуналарининг жамият ижтимоий-маънавий ҳаётида ўзига хос ўрни мавжудлигини қайд этишга асос бўлади. Детектив асарларни муҳим манба сифатида тадқиқ этишнинг беқиёс имкониятлари борлигини эътироф этишга ундайди ва шунга яраша ҳозиржавоблик билан муносабатда бўлишга чорлайди.

REFERENCES

1. Мирвалиев С. Наср, давр ва қаҳрамон. –Тошкент.: Адабиёт ва санъат, 1983.- 32 б.
2. Озод рўмон орзуси (Ёзувчи А. Саид ва мунаққид А. Отабой суҳбати) //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. -1996, 12 апрель.
3. Словарь иностранных слов. –М.: ОГИЗ, 1942;
4. А. Тимофеев и Н. Венгеров. Краткий соварь литературоведческих терминов. –М.: Учпедгиз, 1955.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: https://doi.org/10.24411/2181-1385-2021-00155

5. Раҳмонов И. Саргузашт асарларда анъана ва замонавийлик.-ЎТА, 1979,5-сон,-Б. 72-76.